2012 йил 27 август, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 170-171 (12.231-12.232)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ 21 O'ZBEKISTON

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

***Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 август куни Оқсаройда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида медалларни қўлга киритган спортчиларимиз ва уларнинг устоз-мураббийларини қабул қилди.***

## ВАТАНИМИЗ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА

— Биз бугун Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, – деди давлатимиз раҳбари. – Дунёда спорт соҳасида ўтказиладиган мусобақалар кўп. Лекин улар орасида Олимпия ўйинлари юксак нуфуз ва алоҳида ўринга эга. Шунинг учун Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳар бир спортчи учун катта шарафдир. Лондон Олимпиадасида иштирок этиб, Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган йигит-қизларимизга, уларнинг устоз ва мураббийларига, бутун жамоамиз аъзоларига чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Юртимиздаги миллионлаб спорт мухлислари Олимпиада ўйинларида мардона курашган спортчиларимизни нафақат экран орқали кузатиб борди, балки уларга чин қалбдан мадад тилаб турди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бундай нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиш, ғолибликка эришиш осон эмас. Агар бугунги кунда дунёда 7 миллиард аҳоли яшаётганини ва улар орасида фақат ўн ярим минг нафар одам бу мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганини эътиборга оладиган бўлсак, мазкур ўйинларнинг нақадар кучли рақобат муҳитида ўтганини англаш, сезиш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Лондондаги мусобақаларда спортчиларимиздан 4 нафари совриндор, 14 нафари ўз йўналиши бўйича кучли саккизликка кирганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Беллашувларда эркин кураш бўйича учинчи бор Олимпиада олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, бронза медаллар билан тақдирланган дзюдочи Ришод Собиров, машҳур боксчимиз Аббос Атоев ва эркин курашчи Сослан Тигиев муросасиз ва шиддатли курашларда ғолиб чиқиб, юксак маҳорат ва матонат намунасини кўрсатгани барчамизга қувонч ва ғурур бағишлади.

Машҳур полвонимиз, икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазовнинг Олимпиада чемпиони деган шарафли номга учинчи марта сазовор бўлгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу маҳоратли спортчимизнинг Сидней Олимпиадасида кумуш медалга сазовор бўлганини ҳам инобатга оладиган бўлсак, у тўртта Олимпиадада зафар қозониб, тўртта медални қўлга киритган. Жаҳон спорти тарихида бундай юксак ютуқларга эришганлар камдан-кам бўлган.

Эсингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам, Пекин Олимпиадасидан кейин мана шу залда ўтказилган учрашувда мен Артурга миллионлаб мухлислар ва бутун халқимизнинг истаги сифатида навбатдаги Олимпиадада ўзининг учинчи олтин медалини қўлга киритишини тилаган эдим, деди Ислом Каримов. Бугун Артур эл-юртимизнинг ана шу юксак ишончини оқлаб, Ватанимизга тарихий ғалаба билан қайтгани барчамизга улкан мамнуният етказади. Бундай самимий миннатдорлик сўзларини бугунги тадбиримизда иштирок этаётган икки карра Олимпия ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров ва икки карра Олимпия ўйинлари совриндори Сослан Тигиев, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва бошқа спортчилар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Қўлга киритилган бундай буюк ғалаба ва ютуқлар ҳаётга кириб келаётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёш, навқирон авлодимизга ўрнак ва ибрат бўлиши билан эътиборлидир.

Давлатимиз раҳбари энди барчамизнинг, аввало, спорт жамоатчилиги, соҳа мутасаддилари олдида 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган ўттиз биринчи ёзги Олимпиада ўйинларига жиддий тайёргарлик кўриш вазифаси турганлигини таъкидлади. Лондон Олимпиадаси якунларини чуқур таҳлил қилиш ва ундан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариш, Олимпия ўйинларида энг юқори натижаларга эришган давлатлар тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини, бу ишни бугундан, ҳозирдан бошлаш лозимлигини қайд этди.

Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, ғалабаларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна бир бор табриклаб, барчангизга бахт ва омад, янги-янги зафарлар ва ютуқлар тилайман, деди пировардида Ислом Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 август куни қабул қилинган "Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун бронза медаллари соҳиблари бўлган Ришод Собиров ва Сослан Тигиев «Ўзбекистон ифтихори», Аббос Атоев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Лондон Олимпиадаси чемпиони Артур Таймазов юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз спортчиларга давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларини топширди.

Давлатимиз раҳбари Артур Таймазовга машҳур курашчимизнинг Ўзбекистон байроғини баланд тутиб турган олтин суви юритилган ҳайкалчасини совға қилди.

Артур Таймазов, Ришод Собиров, Аббос Атоев, Сослан Тигиев, мураббий Аҳрол Рўзиев Президентимиз Ислом Каримовга спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар. Спортчиларимиз бундай ғамхўрликка жавобан келгуси халқаро миқёсдаги йирик ва нуфузли мусобақаларда ҳам Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишларини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙИДАГИЛАР ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР.**

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Усманов Хикматали Суннатович** — «159-қурилиш трести» очиқ акциядорлик жамиятининг 9-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Расулов Олег Хикматиллаевич** — «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг бўлим бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Азимов Ровшан Рахимович** — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг «Ўзбекистон» электродепоси машинисти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»

**Каримов Алишер Аминбаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси директори

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Усманова Гульрано Маллабаевна** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Хикматов Хайрулла Хикматович** — Олмазор туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Дадакузиев Бахадир Муминджанович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари – Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги бош директори

**Дадамухамедов Абдувахид Парахович** — «12-трест» очиқ акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси бош муҳандиси

**Джураев Валерий Хусанович** — Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раисининг ўринбосари – Ёғ-мой саноатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

**Саидова Галина Каримовна** — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири

**Умаров Нариман Маджитович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

**Юсупов Шермухаммат Турсунович** — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли «Мева-Шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раиси

**Якубов Рискивай** — «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдухакимов Азиз Абдукахарович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи

**Ибрагимов Ғуломжон Иномович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Исамухамедов Рустамбек Хакимович** — «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг марказий телефон боғламаси монтёри

**Камалов Акмал Сайдакбарович** — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари

**Махкамов Отабек Мухтарович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

**Морозов Сергей Степанович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Ўқув-машқ маркази учувчи-йўриқчиси

**Нурматов Шермат** — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари

**Эшмурадов Арслан Хусанович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

### «Шуҳрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

**Адилова Зухра-биби** — Ҳамза тумани

### «Жасорат» медали билан

**Кабилов Алишер Джаббарович** — Шайхонтоҳур туманидаги ёғоч ўймакор уста – ҳунарманд

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Вахабов Жавлон Абдужалолович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Камилов Рустам Туйчиевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

### «Шуҳрат» медали билан

**Артиков Юлдашбай Мухамеджанович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Дасаев Винер Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг «Қамчиқ» қор кўчки станцияси бошлиғи

**Джакбаров Садиржан Аминжанович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Жўраев Ильяс Нозимович** — Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси «Гидроминерал ресурслар геологияси илмий-ишлаб чиқариш маркази» давлат корхонасининг бурғулаш қурилмаси машинисти

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи якунланди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 65 хотин-қизлар бошланғич ташкилоти вакиллари иштирок этди.**
- **Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Мустақиллик – ҳуқуқ демакдир» мавзуида ҳуқуқий саводхонлик тадбири бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**
- **Бухоро шаҳридаги вилоят маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига бағишлаб анъанавий қовун сайли ўтказилди. Сайилда 75 фермер хўжалиги ўзларида етиштирилган 600 тоннадан зиёд маҳсулот билан иштирок этди. Улар орасида, айниқса, «Бўрикалла», «Гулоби», «Амири», «Темиртирноқ», «Жўжабурун», «Қариқиз», «Баргинай», «Шакарпалак» навли қовунлар иштирокчилар эътиборини тортди. Маҳсулотнинг бир қисми Меҳрибонлик ва Гўдаклар уйларига байрам совғаси сифатида юборилди.**
- **Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Меҳнат ва шон-шуҳрат музейида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб, ёғочдан ишланган уй-рўзғор буюмлари кўргазмаси очилди. Тадбирда Оролбўйининг ёғочсоз усталари томонидан ясалган 200 дан ортиқ турдаги уй-рўзғор буюмлари намойиш этилмоқда. Улар орасида мусиқа асбоблари ҳам бор.**

### ЖАҲОНДА

- **АҚШнинг Калифорния штати Шаста ва Теҳама ҳудудларида ўрмон ёнғинлари 9,7 минг гектар, Тумасда эса 19 минг гектар майдонни эгаллаб, аҳоли учун хавф туғдираётгани сабабли шу жойларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**
- **Калифорниянинг «Scripps» тадқиқотлар институти олимлари гриппнинг барча штаммли турига қарши тура оладиган вакцина яратдилар. Мазкур препаратдаги CR9114 антиген организмга тушгач, турли штаммли грипп хасталигини келтириб чиқарадиган бактерияларга қарши кураша олади. Ушбу антиген вирус таъсирида инсондаги ҳужайраларга сингувчи оқсил моддалар фаолияти бузилишининг олдини олади. Бу янги вакцина билан эмланган киши организмида гриппнинг A ва B турига мансуб вируслар, шунингдек, H1N1 вируси ҳам бутунлай йўқолади.**
- **Хитой шимоли-шарқидаги Харбин шаҳрида бундан тўққиз ой олдин ишга туширилган, қурилишига 296 миллион доллар сарфланган Сунгари дарёсидаги кўприк тўртта юк ташувчи машина оғирлигини кўтармасдан қулаб тушиб, нохуш ҳодиса оқибатида уч киши ҳалок бўлди, бешта одам жароҳатланди.**
- **Америкалик ва немис палеонтолог олимлари Германиянинг Бавария федерал ерида думи олмахонникига ўхшаш улкан динозавр қолдиқларини топдилар. Мамлакатдаги Людвиг-Максимилиан университети олими, палеонтологлар гуруҳи раҳбари Оливер Раухутнинг айтишича, ушбу икки оёқли йирик йиртқич юра даврида (бундан 144-213 миллион йил аввал) яшаган.**
- **Кўк чой таркибидаги галлат эпигаллокатехинт моддаси саратонга қарши самарали восита бўлиши мумкин, дея таъкидлашмоқда Шотландиянинг Глазго шаҳридаги Стартклайт университети тадқиқотчилари. Мутахассислар салкам йигирма йилдан бери кўк чойнинг саратонга қарши курашиш хусусиятларини ўрганиб, шундай хулосага келишди, олимлар бу илмий янгилик тобора авж олаётган саратонни даволашда янгича муолажа методларини ишлаб чиқишга кўмак беришига умид қилишмоқда.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Игамбердиев Валимурад Ходжиевич** — «Тошэлектротранс» давлат компаниясининг 2-трамвай депоси трамвай ҳайдовчиси

**Искандаров Эркин Буриевич** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи

**Кадирова Махбура Султановна** — Олмазор туманидаги «Аъло омад ривож» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**Қодиров Абдували Мухитдинович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ягона диспетчерлик маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мирхамидов Мирзаабдулло Кахраманович** — Ҳамза туманидаги «Зебо Шамс» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Ортиқов Худайберган Азимбойевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Очилов Ражаббой** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бош директори

**Пеньков Константин Алексеевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприкқурилиш» трестининг 13-кўприк қурилиш отряди иш бошқарувчиси

**Рахматуллаев Хайрулла Абдуллаевич** — «Ташгипрогор» очиқ акциядорлик жамиятининг устахона раҳбари

**Сайфуллаев Актам Абдурашидович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори

**Сахаджи Юрий Вячеславович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг цех муҳандиси

**Ташпулатов Анатолий Маликович** — Олмазор туманидаги «Агрегат заводи» акциядорлик жамиятининг пармаловчиси

**Тулаганов Тахиржон Таирович** — «Тошмахсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Яккасарой-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси

**Турсунов Миравaз Мирсаликович** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзкабель» акциядорлик жамиятининг сим ўровчиси

**Утапов Абдувахит Саматович** — «Ўртаосиёранглиметаллэнерго» акциядорлик жамиятининг электр сим ўровчиси

**Файзуллаев Ядгар Шукуруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Хайдаров Ахадбек Яхебекович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсат департаменти директори

**Холиқова Дильбар Маликжоновна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

**Шмарин Андрей Николаевич** — «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳамза тумани бошқармаси чилангари

**Эргашев Кахрамон Пайзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.***



(ЎзА) олган сурат

Кичик бизнес субъектлари ихчам ва ҳаракатчан бўлиб, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олади, унинг янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш, умуман, иқтисодиётимизни юксалтиришдаги аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилгани, унинг конституциявий кафолатлари ишончли таъминланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган.

Бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар икки кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга. Бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга мос келади. Энг муҳими, "Ягона ойна" тамойили жорий этилгани тадбиркорлар учун айни муддао бўлди. Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилмоқда.

Хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси мунтазам тушириб борилмоқда. Мисол учун, 2009 йилда ягона солиқ тўлови бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 6 фоизга туширилгани яна бир катта имтиёз бўлди. Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Бўш турган бино ва иншоотлар тадбиркорлик субъектларига ижарага берилаётгани уларнинг ўз бизнесини янада ривожлантиришида қулай имкониятлар яратмоқда. Мисол учун, 2012 йилнинг биринчи ярмида 14 мингга яқин фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилган. Кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида давлат харидлари тизимида ўз маҳсулот ва хизматлари билан 132,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти иштирок этгани бунга ёрқин мисолдир.

Буларнинг самарасида ўтган йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишда муҳим соҳага айланди. Айни пайтда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида кенг намоён бўлмоқда.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 54 фоизга етди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи шу соҳада меҳнат қилаётир. Биргина шу икки кўрсаткичнинг ўзи Ўзбекистонда мазкур соҳа ривожига истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама эътибор берилаётгани нақадар оқилона қарор бўлганлигини яққол кўрсатади.

Мазкур соҳага тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит ресурсларининг ҳажми ҳам йил сайин ошмоқда. Бу йўналишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бу замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган минизавод ва корхоналар ташкил этиш имконини бераётир. Жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётир. Тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этишга интилиши кучаймоқда. Мисол учун, ўтган йилда кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Маълумки, кичик корхоналарнинг ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга чиқиши осон эмас. Бунинг учун муайян сарф-харажатлар зарур, хорижий мамлакатлар бозори ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида етарлича ахборот ва билимга эга бўлиш талаб этилади. Шу боис давлатимиз томонидан уларга ўз экспорт салоҳиятини ривожлантириши учун ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортини кенгайтиришни рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1087,5 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоиз кўп товар ва хизматлар экспорт қилинишига эришилди.

Кичик бизнес вакиллари ва фермерларимиз қўлга киритаётган ютуқлар, уларнинг бугунги салоҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Мазкур танлов тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Айни пайтда бу илғор тажрибани оммалаштириш, тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилаётир.

Барчамизни қувонтираётган бундай кўрсаткичлар мустақиллигимиз туфайли одамларимизга берилган эркинлик, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, соҳани замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёнидир.

Тап-тақир ерни ўзлаштириб, мўл-кўл ҳосил ундирган деҳқонларимиз, бир туп дарахтда ўн хил мева етиштирган соҳибкорларимиз, ёғочга бамисоли жон бахшида этган уста-ҳунармандларимизнинг анъаналарини истиқлол шарофати билан бугунги авлод ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантирмоқда.

Яқинда Алишер исмли дўстим меҳмонга таклиф қилди. Анчадан буён кўришолмаганимиз учунми, собиқ синфдошлар, дўстлар гурунги узоқ давом этди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти, — дейди шу соҳада иш юритаётган Алишер. — Аввалига бир оз ҳадик билан иш бошлаган эдим. Аммо ҳаракат қилса, изланса, имкон топиларкан. Қисқа вақтда оёққа туриб олдик. Корхонамизда етти-саккиз турдаги ширинлик ишлаб чиқарилади. Мана шу конфет ва печеньеларни ҳам ўзимиз чиқарганмиз.

— Мен чет элники бўлса керак, деб ўйлабман! — деди дўстларимиздан бири.

— Э, ҳозир ўзимизда чиқарилаётган маҳсулотлар чет элникидан қолишмайди, — гапни илиб кетди такси хизмати кўрсатувчи корхона ташкил этган яна бир синфдошимиз. — Раҳматли тарих ўқитувчимиз Файзулла ака бир дарсда «Болаларим, ҳали кўрасизлар, вақти келиб, телевизордан тортиб машиналаргача ўзимизда ишлаб чиқарилади», деганида ҳеч биримиз ишонмаган эдик. Мана, корхонамиз парки тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналардан иборат.

— Нимасини айтасан, — суҳбатга қўшилади фермер ўртоғимиз. — Дадам илгари оддий деҳқон бўлиб, «Ота-боболаримиз ерда меҳнат қилиб, пешона тери билан кун кечириб келган, бизнинг пешонамизга битгани шу», деган гапни кўп такрорлар эдилар. Деҳқоннинг ҳам косаси оқарадиган замон келди. Президентимиз фермерларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Ўн йилдирки, фермерлик қилаяпман, ер ўзимизники, сув ўзимизники. Техникамиз, ускуналаримиз етарли. Қанча меҳнат қилсак, тер тўксак, шунга яраша фойда олаяпмиз. Мана, бу йил шартнома мажбуриятини бажаришдан ташқари, уйимга йигирма тонна буғдой туширдим. Энди орттирилган маблағни қандай қилиб кўпайтириш устида бош қотираяпман. Мева-сабзавот ва сутни қайта ишлайдиган корхона очиш мақсадида бизнес-лойиҳа ишлаб чиқдим. Кредит учун банкка ариза ташлагандим, куни кеча мурожаатингиз ижобий ҳал этилди, деб хабар қилишди.

— Ҳа, мустақилликнинг меваларини ҳамма жойда, ҳар бир шаҳару қишлоқда кўриш мумкин, — дейди ҳунарманд Шерали. — Хизмат тақозоси билан юртимизнинг турли ҳудудларида бўламан. Қаерга борманг, қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишларига гувоҳ бўласиз. Завод, фабрика, бозор, супермаркет, гўзаллик салони, кафе, ресторан... Баҳри дилинг очилиб кетади. Суриштирсанг, бу объектларнинг деярли ҳаммасининг эгаси тадбиркорлар.

Дўстлар даврасидаги бу дилкаш суҳбатдан руҳланиб кетдим. Энг муҳими, бундай фикрлар, ҳақли эътирофларни ҳар бир юртдошимиздан эшитиш мумкин. Ҳа, мустақиллик эл-юртимизнинг турли соҳалардаги юксак парвозларига қанот берди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, жаҳон бозорида рақобат ғоят кучайган бугунги мураккаб даврда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва туб ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турмушимиздаги ўрнини янада кенгайтириш, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ҳамда унинг ривожини янги босқичга кўтариш доимо долзарб вазифадир.

Шу борада сўз кетганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, оилавий корхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайдиган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлашда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатга асосан статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, саксонта рухсат бериш тартиб-таомилини ва ўн бешта фаолият турини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилгани тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада янги бир даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал тараққий эттириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида бугунги кунда мазкур соҳа ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан мамлакатимиз ривожида, халқимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллади. Бу ҳақли равишда жаҳон жамоатчилиги, халқаро молия институтлари, хорижлик таҳлилчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, халқаро рейтингини оширишга хизмат қилаётир.***

**Фармон ва ижро**

# ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳам соҳа вакиллари учун кенг қулайликлар яратмоқда.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида ташкил этилган семинар мазкур фармонлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Х.Файзиев мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг қисқартирилгани ва соддалаштирилгани соҳа ривожига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда ташқи иқтисодий фаолият сезиларли даражада эркинлаштирилди, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши изчил рағбатлантирилмоқда.

Натижада иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида хорижий сармоя иштирокидаги 4,2 мингтадан кўпроқ корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми тобора ошмоқда.

Бунда адлия идоралари томонидан тадбиркорлар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари изчил ҳимояланаётгани ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судларга кўплаб даъво аризалари киритилди. Натижада улар фойдасига 1,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда тадбиркорлар ҳамда хорижий сармоядорлар яратилаётган солиқ, божхона, лицензия бериш, рўйхатдан ўтказиш ва кредит ажратиш билан боғлиқ меъёрлар ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

# ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

***Тошкентда 23 август куни «Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 20 йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги: тарих, бугун ва истиқбол» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Анжуман Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланди.

Унда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, таҳлил марказлари экспертлари, давлат тузилмалари ҳамда жамоатчилиги вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган қатор дипломатик миссиялар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Конференция қатнашчилари мустақилликка эришгач, икки давлатнинг Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага асосланган муносабатларининг ривожланиш жараёнига юксак баҳо берди.

Давлатларимиз ўртасида йўлга қўйилган амалий сиёсий мулоқот доирасида томонлар икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама этиб, халқаро ва минтақавий ривожланиш муаммолари юзасидан фикр алмашаётгани таъкидланди. Ҳар икки мамлакат бой тарихий тажриба, улкан сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий салоҳиятга эгалиги самарасида Марказий Осиё минтақасида барқарор ва изчил тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

Конференция қатнашчиларининг фикрича, савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг асосий йўналишларидан бири ва икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришнинг муҳим омилидир. 2011 йил якунлари бўйича икки томонлама савдо ҳажми қарийб 2,8 миллиард долларни ташкил қилди. Айни пайтда Ўзбекистон ва Қозоғистон ушбу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган катта салоҳиятга эга. Мунозаралар чоғида энергетика, транзит ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Умумий тарихий ва маданий илдизларнинг мавжудлиги, яхши қўшничилик алоқаларининг ривожланиб бораётгани икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани қайд этилди. Маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар икки давлат муносабатларида алоҳида ўрин тутади.

Илмий-амалий конференция якунлари бўйича иштирокчилар мазкур тадбир икки томонлама ҳамкорликка оид кенг кўламли масалаларни муҳокама этиш учун яхши имконият яратгани ҳақида умумий фикр билдирди. Ушбу батафсил ва амалий мулоқот Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

**(ЎзА)**

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

*Барчамиз қаерда бўлмайлик, қайси юртларни кезмайлик, доимо Тошкентни соғиниб, унга талпиниб, суяниб яшаймиз.*
*Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади, деган нақл бежизга айтилмаган.*

*Ислом КАРИМОВ*



Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг ушбу шеърий асари Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳри ҳақидаги достон-фахриядир. Ҳар бир ўзбек китобхони учун ғоят қадрли бўлган бу мавзу дастлаб атоқли аллома шоиримиз Мақсуд Шайхзода томонидан 1957 йилда, собиқ мустабид тузум мафкураси авж олган даврда ёритилгани адабиётимиз тарихидан яхши маълум. Ўта оғир ва мураккаб шароитда ёзилганига қарамасдан, она юртга муҳаббат, унинг бошкенти бўлган буюк шаҳарга фарзандлик меҳри билан битилган «Тошкентнома» достони адабиётимиз хазинасидан муносиб жой эгаллади.

Устозлар бошлаган эзгу анъанани давом эттирган ҳолда, бу мавзуни бугунги талаб ва ўзгаришлар нуқтаи назаридан ёритишга қарор қилган Маҳмуд Тоирнинг «Янги Тошкентнома» достони тарихий-фалсафий, руҳий қамровнинг кенглиги, ҳис-туйғуларнинг таъсирчан ифодаси, реал тарихий манзараларнинг аниқ тасвири ҳамда таҳлили билан алоҳида ажралиб туради.



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида бутунлай янгича қиёфа касб этган Тошкентнинг мустақил Ўзбекистон давлатининг қайта тикланиши ва ривожланишидаги беқиёс аҳамияти, бу азим шаҳар ҳаётидаги энг ёрқин ва ҳаяжонли саҳифалар, пойтахтимизни жону дилдан севадиган, у билан ғурурланиб яшайдиган замондошларимизнинг самимий ўй-кечинмалари бу достонда ҳароратли шеърий сатрлар воситасида атрофлича ёритиб берилган.

Миллий адабиётимиздаги янгиланиш жараёнларининг ўзига хос ёрқин ифодаси бўлган мазкур асар адабиёт ва шеърият ихлосмандларида, барча китобхонларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Ижодкор учун ўз ўқувчисига нимадир туҳфа қилиш ҳамиша ҳузур бахш этади. Шу маънода Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги нишонланаётган қутлуғ кунларда «Тошкент оқшоми» ўқувчилари эътиборига ушбу достонни ҳавола этамиз.

## ЯНГИ ТОШКЕНТНОМА

*(Достон-фахрия)*

### МУҚАДДИМА

*Қалам олдим китобат учун,*
*Улуғ ишда ижобат учун,*
*Киндик қоним томган тупроқда*
*Топганим бахт, саодат учун!*

*Миллатимнинг номи — мадорим,*
*Борлигидан бор ифтихорим.*
*Ўн саккиз минг бу олам аро*
*Ўзбекистон — танҳо диёрим.*

*Номус-орим асраб яшай деб,*
*Ифтихорим асраб яшай деб,*
*«Тошкентнома» дафтарин очдим,*
*Дилда борим асраб яшай деб.*

*Замин — улкан, олам — бепоён,*
*Вале бошда биттадир осмон.*
*Осмон ости, замин устини*
*Ватан тутмиш ҳазрати Инсон.*

*Бу оламнинг тоғлари бисёр,*
*Бу оламнинг боғлари бисёр.*
*Шаҳарлар бор — дунёнинг шони,*
*Шаҳарлар бор — мангу ифтихор.*

*Барчасига биздан хуш салом,*
*Барчасига меҳримиз инъом.*
*Бу дунёда қурган, яратган*
*Савоб ила яшар бардавом.*

*Бироқ айтсам, Чочкент биттадир,*
*Бу дунёда Шошкент биттадир.*
*Ўзбекистон туғини тутган*
*Шарқ гавҳари — Тошкент биттадир.*

*Кимлар уни мадҳ айламаган,*
*Мадҳ айлашга бел бойламаган.*
*Элдан ҳикмат зиёсин олиб*
*Эл кўнглига сўнг жойламаган.*

*Шукур, борман шу сафда мен ҳам,*
*Хуш ниятда қўлимда қалам.*
*Кўз ўнгимда юз очган Тошкент,*
*Ўзга маъво, ўзга бир олам!*

### I БОБ

*Сўзимга жиловдор аждодлар эди,*
*Сўзнинг султонлари, элнинг устоди.*

*Тарих осмонида қолган қуёшлар,*
*Маърифат аҳлига абад дилдошлар.*

*Битган битиклари — тарих садоси,*
*Ўтмишнинг оҳлари, эллар нидоси.*

*Ҳикмат гулларидан ноёб гулдаста,*
*Аждодни авлодга этар вобаста.*

*Уларда битилган не-не сир-асрор,*
*Ўқиб, уққан киши бўлгайдир иқрор.*

*Шаҳарлар, қишлоқлар, эллар тақдири,*
*Тирик тарих каби сўйлар ҳар бири.*

*Ҳақнинг бандалари ҳақ ёзмиш албат,*
*«Шоҳнома»да битмиш Фирдавсий ҳазрат.*

*Минг йиллар аввал ҳам Чочнинг камони,*
*Тенгсиз забт айламиш бутун дунёни.*

*Алпомиш келбатли ботир полвонлар,*
*Чочнинг камонини орзу қилғонлар.*

*Гўзаллик — азалдан кўзнинг шифоси,*
*Кимни мафтун этмас гулнинг зиёси.*

*Тингласанг, товуш бор ҳар битта тошда,*
*Асрлар садоси шу кўҳна Шошда.*

*Низомий Ганжавий сўз айтиб зариф,*
*Тилидан бол томиб айлаган таъриф.*

*Тошкент — бу жаннатнинг жамоли, деган,*
*Ҳикмати — дунёнинг камоли, деган.*

*Қардошлар, қондошлар, дўсту дилдошлар,*
*Бу ҳаёт йўлида ҳамкор, йўлдошлар.*

*Тошкентни кўҳна Шарқ шони, деб билган,*
*Қадрини қалбининг қони, деб билган.*

*Камол Хўжандийнинг[1] лутфидаги нур,*
*Шоир шеърларига бахш этган сурур.*

*Олам шоирларин асл султони,*
*Назм осмони ҳам назм уммони.*

*Навоий шеърида наво топган у,*
*Боқий ашъорларда садо топган у.*

*Шундай шараф топган Шош овозаси,*
*Меҳрдан қурилган ҳар дарвозаси.*

*Шоҳ Бобур — назмда сўнмас бир бўстон,*
*Мардлик, матонати туганмас достон.*

*Соғинч сарғайтирмиш гулдек юзини,*
*Тошкент воҳасида топган ўзини.*

*Илоқ, Оҳангарон тоғлари ичра,*
*Паркентнинг жаннатий боғлари ичра,*

*Бўзлаган, тин олган, ўйларга толган,*
*Шундами Ҳинд ёдин кўнглига солган.*

*Ололса ўзидан ўч олган Бобур,*
*Тошкент тупроғидан куч олган Бобур.*

*Шош номин ҳар сўзда зорланиб айтган,*
*Ватангадоликдан орланиб айтган.*

*Бир он унутмади Андижонини,*
*Фақат соғинч олди Бобур жонини.*

*Боболар тахтининг Қуёши — Тошкент,*
*Боболар армони, кўз ёши — Тошкент.*

*Бир кўрган минг бора қайтиб соғинган,*
*Дийдор тилагида Ҳаққа сиғинган.*

*Восифий[2] васф этган бу кўҳна шаҳар,*
*Қуёшга дарвоза ҳамон — ҳар саҳар.*

*Ўн олтинчи аср тарих саҳнида,*
*Ёрқин из қолдирган сўз маҳзанида.*

*Бир асар бизларга мерос этилган,*
*Унда Шош беҳиштга қиёс этилган.*

*Фурқат тафаккурин чархи бўлган Шош,*
*Ҳам Фурқат меҳрининг тархи бўлган Шош.*

*Жаҳонгашталикка чорлаган ҳам у,*
*Бетакрор назмида порлаган ҳам у.*

*Боғларин боллари тилда қолган юрт,*
*Қут ҳам баракани Ҳақдан олган юрт.*

*Қодирий насрида қадри осмондир,*
*Аҳли байт жамланган мисли бўстондир.*

*Йил-йилга ўхшамас, армони — бўлак,*
*Ҳар асру даврнинг достони бўлак.*

*Кўнгилга очилур кўнгил қўрғони,*
*Ўзбекнинг шоири, озар ўғлони.*

*Дарёдил, Ҳотамфеъл Мақсуд Шайхзода,*
*Дил дардин, эл меҳрин қилиб ифода,*

*Сўзда садоқатдан кийиб жомани,*
*Элга туҳфа этди «Тошкентнома»ни.*

*Ойбек балқиб ёзган ҳар бир каломни,*
*Тошкент булбул қилган Ғафур Ғуломни.*

*Икки дўст — Тошкентнинг икки дилбанди,*
*Кўҳна Шош мадҳида йўқдир монанди.*

*Тошкент таърифида қалам тутган кўп,*
*Гоҳ қувонч, гоҳида алам ютган кўп.*

*Аслида, бу шаҳар дарддан яралган,*
*Соғинч сабосидан, гарддан яралган.*

*Тўфонлар ичидан тўлғониб чиққан,*
*Вале руҳлар қўллаб, уйғониб чиққан.*

*Эртанинг умиди сақлаган уни,*
*Бобо Шошийларим асраган уни.*

*Демангиз, Тошкентни тошдан яралган,*
*Мунаввар қуёш — кўз ёшдан яралган.*

*Сўзим аввалида қилдим таваллo,*
*Энди қўл кўксимда, деймав тасанно.*

*Юртим осмонида кетганлар руҳи,*
*Нек ишда мададкор ўтганлар руҳи.*

*Шу боис тиз чўкдим она заминга,*
*Қўл очдим дуога, куч беринг менга.*

*Демангиз, бу ишни осон бошладим,*
*Минг бир хижолатда, ҳайрон бошладим.*

*Асли авлодларга бу дилномадир,*
*Ҳуррият туҳфаси — «Тошкентнома»дир.*

(Давоми келгуси сонда)

1. **Камол Хўжандий** — Темурийлар даврида яшаб ижод этган мумтоз шоир.
2. **Зайниддин Восифий** — Алишер Навоийнинг замондоши, машҳур «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарининг муаллифи, XVI асрда Ҳиротдан келиб, Тошкентда яшаган.

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мазкур тарихий санага бағишлаб ижтимоий сўров ўтказди.***

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 18 ёшдан ошган эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ аҳли, турли миллатга мансуб, маълумот ва касб эгалари бўлган фуқаролар иштирок этди. Сўров орқали ўтган вақт мобайнида жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ҳаётида ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни улар қандай баҳолаши ҳамда бу ҳақдаги фикрлари ўрганилди.

Аксарият сўров қатнашчиларининг фикрича, 21 йил давомида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро майдонда кенг эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга оширишнинг бевосита самарасидир.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини ҳамюртларимиз кўтаринки кайфият ва ўз мамлакатидан фахрланиш туйғулари билан кутиб олмоқда. Улар буни, энг аввало, «мамлакатимиз мустақил бўлгани», «халқаро ҳамжамият томонидан тан олингани», «юксак мавқега эга экани», «дунёда муносиб ўрин эгаллаб тургани» билан изоҳлайдилар.

Айни вақтда фуқароларимиз Ўзбекистоннинг деярли барча жабҳаларда эришган ютуқларини юксак баҳоламоқдалар. Аксарият иштирокчилар (95,4 фоиз) иқтисодиёт соҳасида, (93,9 фоиз) инсон ҳуқуқларини таъминлаш, (94,1 фоиз) аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, эркин иқтисодий фаолият юритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, (96,6 фоиз) шахсий хавфсизликни таъминлаш борасида қўлга киритилган ютуқлардан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирганлар.

Сўралганларнинг 90 фоиздан ортиғи мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик тобора мустаҳкамланаётгани, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари яратилгани, ҳаётимизда демократия тамойиллари – сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини изчил ривожлантириш таъминланаётгани ҳамда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг халқаро майдонда кенг эътироф этилаётганини истиқлолимизнинг асосий ютуқлари, деб ҳисоблайди.

Сўралганларнинг 82,8 фоизининг фикрича, кўпчилик одамлар ҳаётининг ижобий томонга ўзгаргани мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг бевосита натижасидир.

Сўров мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган туб ислоҳотлар ҳар бир ҳамюртимиз ҳаётига ижобий таъсир кўрсатгани, ҳаётда ўз олдига қўйган муҳим мақсадларига эришиши, турмуш тарзи ва фаровонлигини яхшилаши учун зарур шароит яратишга хизмат қилаётганини кўрсатди.

Фуқароларнинг ҳаётий муҳим позицияларини белгилаб берувчи асосий ижтимоий ва маънавий мезонларга нисбатан муносабатида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, сўралганларнинг 94 фоизи фуқароларимизнинг қонунга, 87,1 фоизи инсон ҳуқуқларига, 87,6 фоизи хотин-қизларга нисбатан ҳурмати ошган, деб ҳисоблайди.

Жамиятимизда фуқаролар мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар учун маънавий жавобгар бўлиши лозим, деган қатъий ишонч қарор топган. Сўралганларнинг 90 фоиздан ортиғи шундай фикрда.

Сўров натижалари фуқароларимизда истиқлол йилларида ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари ошганидан далолат берди. Сўровнинг деярли барча иштирокчилари (99,6 фоизи) «Ватан мустақиллигини бебаҳо неъмат сифатида тушуниш онгимдан чуқур жой эгаллади ва мен буни, ҳеч қачон, қандай сабаб билан бўлмасин, йўқотишни истамайман» деган фикрни билдирди.

2012 йил давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Сўров иштирокчиларининг фикрича, айнан оила ва ота-оналар ҳаётда одамлар, айниқса ёшларнинг маънавий дунёси, ахлоқий қадрият ҳамда мақсадлари шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу борада тарихий қадриятлар, халқимизнинг ўзига хос анъаналари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сўралганларнинг фикрича, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши ҳар бир оиланинг ижтимоий ривожланиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, мустаҳкамлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда барқарорликни сақлаш, истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш ва ёш давлатимиз олдида турган барча муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий кафолати эканига қатъий ишонади. Аввалги сўровлар каби мазкур сўровнома натижаларининг таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, мамлакатимизнинг барча фуқаролари давлатимиз раҳбари юритаётган ҳар томонлама пухта ўйланган оқилона сиёсатни чуқур ҳурмат қилади ҳамда бу сиёсат юксак самаралар беришига уларнинг ишончи комил.

Ижтимоий тадқиқот натижалари халқимиз танлаган мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлининг тўғрилигига Ўзбекистон фуқаролари қатъий ишонишини яна бир карра тасдиқлади. Ҳамюртларимизнинг кўтаринки руҳи эртанги кунга, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига комил ишончидан ёрқин далолатдир.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**ЎзА мухбири**
**А.ИВАНОВА тайёрлади**

Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи ошхонасида фаолият олиб бориш учун тендер танловини эълон қилади.
**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1, 47-уй.**
**Телефонлар: 264-68-00, 264-68-01**

Реклама ўрнида




***Ўзбекистон спорт делегацияси XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун 24 август куни Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетди.***

«Паралимпия ўйинлари — 2012»

## ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Тошкент халқаро аэропортида паралимпиячиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани таъкидланди. Мурувват уйлари, ихтисослашган ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида улар махсус педагогик усулларда таълим олиб, спорт билан шуғулланмоқда.

Шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида вояга етган паралимпиячиларимиздан ўн нафари Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XIV Паралимпия ўйинларида спортнинг тўрт тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Паралимпия ўйинлари – ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг энг йирик халқаро спорт анжуманидир. Паралимпия ҳаракатига 1948 йилда Буюк Британиядаги Сток-Мандевиль госпитали нейрохирурги Людвиг Гутман томонидан асос солинган. 1960 йилнинг 18-25 сентябрь кунлари Италиянинг Рим шаҳрида ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган мусобақа илк Паралимпия ўйинлари сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Унда дунёнинг 23 мамлакатидан 400 нафар паралимпиячи саккиз спорт тури бўйича 57 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашган.

Бугун Паралимпия ҳаракати дунёнинг кўплаб мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг 29 август – 9 сентябрь кунлари Лондон шаҳрида ўтадиган XIV Паралимпия ўйинларида жаҳоннинг 166 давлатидан 4200 нафар спортчи қатнашиши кутилмоқда. Улар спортнинг 20 тури бўйича 502 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги Қарори асосида юртимиз паралимпиячилари ушбу ўйинларга пухта тайёргарлик кўрди. Спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Халқаро Паралимпия қўмитаси қарорига кўра, Лондонда бўладиган ўйинларда қатнашиш ҳуқуқи саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган спортчилар орасидан жаҳон рейтингида энг юқори поғоналарни эгаллаган паралимпиячиларга берилди. Ҳамюртларимиз маҳорат ва тажрибасини ошириш мақсадида 2009 йилда Японияда ёшлар ўртасида ўтган Параосиё ўйинларида қатнашди ва беш олтин, учтадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди. АҚШда кўзи ожизлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ёшлар ва талабалар ўйинларида биттадан олтин, кумуш ва тўрт бронза медаль жамғарилди.

2010 йилги спорт мавсумида ҳамюртларимиз Кувайтда енгил атлетика бўйича ўтган халқаро мусобақада 2 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медалга лойиқ топилди. Аргентинада футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси 2007 йилда қўлга киритилган жаҳон чемпионлиги унвонини муносиб ҳимоя қилиб, кетма-кет иккинчи маротаба олтин медалга сазовор бўлди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медаль жамғарди.

Паралимпиячиларимизнинг мазкур йирик спорт анжуманларида тўплаган тажрибаси уларнинг XIV Паралимпия ўйинларининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтишига хизмат қилди. Лондондаги мусобақаларда ўн нафар паралимпиячимиз спортнинг тўрт тури – енгил атлетика, сузиш, пауэрлифтинг ва дзюдо беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Паралимпия ўйинларида дзюдо бўйича 73 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқадиган Шариф Халилов 2010 йилдан буён халқаро мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. У 2010 йили Хитойда ўтган Параосиё ўйинларида кумуш, 2011 йили Туркияда кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасидаги IV Бутунжаҳон ўйинларида бронза медалга сазовор бўлган.

– Ҳар гал нуфузли мусобақаларда совриндор бўлиб, шоҳсупада турганимда қалбимда ғурур-ифтихор жўш уради, – дейди Ш.Халилов. – Халқаро майдонда қўлга киритаётган ғалабаларимиз Президентимиз Ислом Каримовнинг биз, ёшларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигининг самарасидир. Ниятим Лондонда бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларида давлатимиз байроғини баланд кўтариш орқали халқимизнинг Энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлашдир.

Жорий йил сузиш бўйича АҚШда ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритган Кирилл Паньков 100 метрга баттерфляй усулида сузиш баҳсларида қатнашади.

Шу йилнинг февраль ойида Бирлашган Араб Амирликларида пауэрлифтинг бўйича ўтган мусобақада юқори рейтинг очколарини жамғарган Яшин Шобердиев ва Елена Абасова ҳам Паралимпия ўйинларида қатнашадиган жаҳоннинг энг кучли спортчилари сафига қўшилди.

Яна олти нафар спортчимиз енгил атлетиканинг турли йўналиши бўйича баҳсларга киришади. Параосиё ўйинлари совриндорлари Дониёр Солиев ва Миран Сахатов уч ҳатлаб сакраш, халқаро турнирлар ғолиби Муяссар Иброҳимова 100 метрга югуриш, Параосиё ўйинлари кумуш медали соҳиби Ҳуснидин Норбеков ядро ва диск улоқтириш, 2008 йилги Паралимпия ўйинлари иштирокчиси Равил Диганшин ва халқаро мусобақалар совриндори Иван Панифидин ядро улоқтириш баҳсларида иштирок этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Фан**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

***Мутасадди ташкилотларнинг маълумотига қараганда, ичимлик суви таркибида натрий хлориднинг меъёри ошиб бораётганлиги аниқланди. Сув таркибидаги кальций ва магний буйрак, сийдик йўли ва ўт пуфагида тош ҳосил қилиши билан хавфлидир.***

Тоза сувга бўлган талабни қондириш мақсадида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ходимлари самарали изланишлар олиб боришди. Натижада артезиан қудуқлардан тортиб олинаётган сувни зарарсизлантиришнинг янги, паст частотали электромагнит майдон таъсирида ишлов бериш усули ва технологияси ишлаб чиқилди. Бундай усуллар аҳолининг бир қисми артезиан қудуқлардан сув ичадиган қишлоқ ҳудудларида айниқса қўл келди.

***Тошкент Давлат аграр университетида фундаментал тадқиқотлар бўйича 30 та илмий-амалий, 9 та инновацион лойиҳалар устида жиддий изланишлар олиб борилди. Пахтанинг «ТошДАУ-2», «Умид», буғдойнинг «Турон» каби навлари шулар жумласидандир.***

## ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Шунингдек, 2 та пилла, 4 та қовун, 2 та тарвуз, 6 та помидор, ўндан ортиқ бодринг навлари юзага келди. Чорвачилик, ипакчилик, механизация, биология соҳаларида ҳам илмий самарадорликка эришилди. «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» кафедраси тадқиқотлари ҳам ижобий баҳоланди.

## ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ

***Тошкент Архитектура-қурилиш институти олимлари «Архитектура ва шаҳарсозлик» йўналишида ҳам қатор йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этдилар.***

«Атроф-муҳит архитектура дизайни» кафедраси томонидан амалга оширилган тадқиқотларда «Шаҳар хиёбони», «Болаларни соғломлаштириш мажмуи» мавзулари ўз ифодасини топди. «Ландшафт архитектураси» дизайни бўйича янги йўналишда ҳам изланишлар олиб борилди.

**Акбар АЛИЕВ**

М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси профессор Раъно Иззатовна Суннатовага волидаи муҳтарамаси

**Нина Расуловна СУННАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти жамоаси «Тошавтобустранс» АК директори Салоҳиддин Асомиддиновга ўғли

**ЖАВЛОНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



**“8-АВТОБУС САРОЙИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

*юртдошларимизни мамлакатимизнинг Энг улуғ байрами — Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан самимий қутлайди. Истиқлол шукуҳи кезаётган қутлуғ кунларда қалбларингиздаги энг эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин. Осмонимиз мусаффо, кўнглимиз хотиржам бўлиб, ишларимиз ўнгидан келсин!*

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Барчангизни Ватанимиз Мустақиллигининг

**21 йиллик**

байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.

*Мустақил юртимиз ривожи йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад Сизга ёр бўлсин.*

**«BASELL TRADE»**
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



**“DIALEKS”**
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

қадрли ҳамшаҳарларимизни Истиқлолнинг йигирма бир йиллик байрами билан муборакбод этади. Барчангизнинг оилаларингиз мустаҳкам, Ватанимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



Реклама ўрнида

Xususiy ochiq aksiyadorlik tijorat banki
RAVNAQ-BANK

ХОАТБ “RAVNAQ-BANK” жамоаси

*Мустақиллигимизнинг*

*21 йиллиги байрами билан табриклайди.*
*Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт,*
*тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*
*Ҳаётингизнинг ҳар бир куни қувончга,*
*меҳр-муҳаббатга ва янгидан-янги муваффақиятларга*
*тўлиқ бўлсин!*



*Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан сиз азизларни чин дилдан қутлаймиз. Дастурхонимиз бундан-да тўкин, осмонимиз ҳамиша мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин. Тадбиркорларимизнинг эл-юрт фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси янада ошсин!*

“DAVR MEVA-SABZAVOT TAYYORLOV SAVDO” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ШОДИЁНАЛАРИ БИЛАН

барча юртдошларимиз, иқтисодиётимиз ривожи ва ҳаётимиз равнақига ҳисса қўшаётган соҳа ходимларини муборакбод этамиз.

Ватанимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, халқимиз омон, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.

Юртимиз тараққиёти, элимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!





“CLASSIK IDEAL MEBEL” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ


HAMKORBANK
ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!
Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан барчангизни чин дилдан муборакбод этамиз.
Юртимиз равнақи йўлида бетимсол имкониятлар берган истиқлолимиз абадий бўлсин.
Хонадонларимиздан файзу барака, қувончу шодиёна аримасин!
"HAMKORBANK" ЖАМОАСИ


АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
Барчангизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда табриклаймиз.
Тинчлик ва осойишталик, оилавий бахт-саодат сизларга доимо ёр бўлсин!
"BEKTEMIR NORUDA MATERIALLARI"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ


plastherm®
«PLASTHERM TECHNOLOGY» ҚК МЧЖ
АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
Сизни эркин ва обод Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма бир йиллик улуғ байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.
Оилавий бахт, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги шарафли ишларингизга улкан ривож тилаймиз!
"PLASTHERM TECHNOLOGY" ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

***«Энг намунали фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари» танлови маҳаллаларда миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, уларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллалар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.***





# МАҲАЛЛАЛАРИМИЗНИНГ КЎРКАМЛИГИ ВА ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Танловнинг Юнусобод тумани босқичи хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, ИИБ, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ва спорт, Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда ўтказилди.

Ҳудуддаги барча фуқаролар йиғинлари фаолияти Низомда белгиланган мезонларга кўра ташкилий қўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди.

Тадбир доирасида Юнусобод туманидаги «Акбаробод» маҳалласида жойлашган «Ўктамхон-нур» ўқув маркази фаолияти юзасидан кўргазмали чиқишлар бўлди.

– Бизда тикувчилик, ҳамширалик, тўқувчилик, пазандалик, элита парда тикиш ва бошқа касб-ҳунарлар бўйича билим берилади, – дейди марказ раҳбари Дилором опа Суннатиллаева. – Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул ва имтиёзли тарзда хизмат кўрсатмоқдамиз. Турли байрам тадбирларида бу каби хайрли ишларни бажариш анъанага айланган.

Танловда қатнашаётган фуқаролар йиғинлари орасидан энг сараларини аниқлаш ҳакамлар ҳайъатига осон кечмади. Ҳакамлар ҳисоб-китобларига кўра «Аҳилобод» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи иккинчи, «Деҳқонобод» маҳалласи эса кейинги ўринни эгаллаб, танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

— Ҳозирги кунда маҳалла аҳолисининг муаммоларини ўз вақтида ва мустақил ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар йиғинларининг таъсири ва аҳамияти ошиб бормоқда. Маҳалланинг оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасидаги ҳиссаси катта, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод туман бўлими раиси Ж. Исоқов.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

# БАХТИЁР ЧЕҲРАЛАРДА ШУКРОНАЛИК ҲИССИ

***Имконияти чекланганлар, ногиронларни, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга байрамона кўтаринки кайфият улашиш мақсадида Юнусобод туманидаги «Манзур» ресторанида Истиқлолимизнинг 21 йиллик шодиёнасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши фарзандларимиз тарбиясига масъул бўлган ҳар бир шахс, ҳар бир соҳа вакилини яна бир бор ўз ишига янгича услубда ёндошувини тақозо этади. Бугунги жадал ривожланаётган даврда ёшларнинг, айниқса кам таъминланган, имконияти чекланганларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўз олдиларига қўйган мақсадларини амалга оширишларида шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамманинг инсоний бурчидир. Энг улуғ, энг азиз байрам — юртимизнинг 21 йиллик тўйи арафасида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» ғояси остида кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган, ногирон болалар учун бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг орасида хайрия тадбирлари, концертлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ва турли байрам кечалари бор.

Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, туман Маданият ва спорт ишлари бўлими, туман ногиронлар жамияти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими, Муқимий номидаги Ўзбек миллий мусиқали драма театри ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда туманда истиқомат қилувчи 200 дан зиёд ногирон фарзандлар тарбияланаётган оилалар вакиллари иштирок этди. Тўкин дастурхон атрофида йиғилганларга ҳомийлар томонидан байрам совғалари топширилди. Иштирокчилар жамиятга бегона эмаслигини ҳис этибгина қолмай, улар доимо давлат ҳимоясида эканликларини англашди. Фарзандларнинг камолини кўзлаб ўтказилган бу тадбир уларнинг ота-оналарини ҳам мамнун этди. Бахтиёр чеҳраларида Энг улуғ, энг азиз неъмат — Мустақилликка шукроналик ҳисси балқди. Истиқлол қуёши юртимиз узра мангу нур таратиб, кўнгилларни нурафшон айлашини Яратгандан тилаб қолдилар.

**Гўзал АҲМАДАЛИЕВА**

***Таълим муассасаларида янги 2012 — 2013 ўқув йилига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Пойтахтимиздаги қатор билим ўчоқларини кўргазмали техника воситалари билан қуроллантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.***

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАРАДДУД

— Шу ўринда 29-умумтаълим мактабининг орттирган бой тажрибаси диққатга сазовор. Бошланғич таълимда компьютер саводхонлиги дарси жорий этилгани айни муддао бўлди, — дейди мактаб директори Неъматжон Азизов. — Жорий ўқув йилида мактабимиз 10 га яқин сўнгги русумдаги компьютер билан жиҳозланган эди. 2 — 3-синф ўқувчиларига компьютер саводхонлигидан дарс берилди. Тажрибали мутахассис Аҳмаджон Саидвалиев билан компьютер саводхонлиги таъминланишининг аниқ дастури, техника хавфсизлиги қоидалари ишлаб чиқилди. Бошланғич синф ўқувчилари учун махсус жиҳозланган алоҳида информатика хонаси ташкил этилди. Ўқув мебеллари ўқувчилар ёшига мослаштирилди. Ўқувчиларнинг компьютердан тўғри фойдаланишлари назорат қилиб борилди.

Янги ўқув йилида бошланғич синфларда компьютердан фойдаланишга оид қоидалар ишлаб чиқилди. «Таълимда компьютер саводхонлиги» деган бурчак ташкил этилади. Шунингдек, техника воситаларидан унумли фойдаланишга оид ўқув семинари дастури ишлаб чиқилади.

# КУТУБХОНАДА КАФЕДРАЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси замонавий янги биносининг истиқлол иншооти янглиғ фойдаланишга топширилгани зиёлиларга катта қулайликлар яратмоқда. Бу зиё масканида кутубхона фондларини акс эттирувчи электрон каталог юритилади.***

— Электрон каталогда ҳужжатлар қидируви тез ва қулай амалга оширилади, — дейди бўлим раҳбари Зуҳриддин Исомиддинов. — Электрон каталогдан фойдаланилган ҳолда ҳужжатларга буюртма бериш имконияти ошади.

— Бизда китоб бериш кафедраси ҳам таъсис этилган. Бундай кафедраларнинг асосий вазифаси китобхонга кутубхона фондларидаги китоб, журнал, газета, грампластинка, харита каби ҳужжатларни етказиб беришдан иборат. Ҳар бир буюртма 15-20 дақиқа оралиғида бажарилади. Бундай тезкорликни китоб бериш кафедраларида ишлаб турган замонавий «Телелифт» автоматлаштирилган китоб етказиб бериш мосламаси таъминлайди. У 100 килограммгача юкни бемалол таший олади. «Тафаккур» ўқув зали китобхонлар билан доим гавжум бўлади. Ундан бир вақтнинг ўзида 100 киши фойдаланиши мумкин. Унитар тармоғига уланган 20 та компьютер китобхонлар ихтиёрида.

Ушбу ўқув залининг ёрдамчи фондидан китобхонлар томонидан сўраладиган, энг янги ва долзарб мавзуларга бағишланган ўзбек ва рус тилларидаги китоблар ўрин олган.

**Аҳмад АББОСОВ**

Футбол

# КУБОК УЧУН КУРАШ ҚИЗҒИН

***Ўзбекистон кубоги баҳсларида ярим финалга йўлланма олган тўрт жамоа – «Бунёдкор», «Пахтакор», «Насаф» ва «Бухоро» футболчилари финал йўлланмаси учун ўзаро рақобатлашмоқда.***

Бугунгача Ўзбекистон кубогининг финал учрашувларида куч синашган мамлакатимизнинг энг кучли жамоалари – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» бу гал мусобақанинг ярим финалида ўзаро тўқнаш келди.

Дастлабки ўйин мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони – «Бунёдкор» майдонида ўтказилди. 20-дақиқада «Бунёдкор» ҳимоячиси Артём Филипосян ўз жарима майдончаси ичида ўйин қоидасини бузди. ФИФА рефериси Равшан Эрматов пенальти белгилади. Зарбани аниқ йўллаган Станислав Андреев «Пахтакор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Миржалол Қосимов шогирдлари танаффусга уч дақиқа қолганида ҳисобни тенглаштирди. Виктор Карпенко ва Ян Козак уюштирган комбинациясини моҳир ҳужумчи Анваржон Солиев самарали якунлади – 1:1.

Беллашувнинг иккинчи ярмида ҳар икки жамоа ҳужумкорликни оширган бўлса-да, дуранг натижа ўзгармай қолди. Энди финалга қайси жамоа йўл олиши 25 ноябрь куни «Пахтакор» майдонида ўтказиладиган жавоб ўйинида ҳал бўлади.

Ўзбекистон кубогининг иккинчи ярим финалида «Насаф» жамоаси Қарши шаҳрида «Бухоро» футболчиларини қабул қилди. Қашқадарёлик чарм тўп усталари биринчи бўлимда бир жуфт гол киритиб, учрашув тақдирини ўз фойдасига ҳал қилди. Дастлаб Алишер Юсупов 30 метр масофадан аниқ зарба йўллади. Биринчи бўлим якунланиши арафасида Артур Геворкян меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Иккинчи бўлимда «Насаф» футболчиларида ҳисобдаги фарқни яна биттага ошириш имкони бор эди. Лекин Владимир Шишелев ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажара олмади. «Насаф» финал сари яна бир қадам ташлади. «Бухоро» футболчилари эса мамлакат кубоги мусобақасининг финалига чиқиш учун Бухорода ўтадиган жавоб ўйинида «Насаф»ни камида учта тўп фарқи билан мағлуб этиши лозим.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

***Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 16-тур баҳслари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган командаларга омад келтирди.***

Турнир жадвалида бешинчи ўринни эгаллаб келаётган «Локомотив» жамоаси ўз майдонида «Олмалиқ» командасини қабул қилиб 4:2 ҳисобида зафар қучди ва муҳим очколарга эга бўлди. Голларни «Локомотив»дан С. Абдуллаев (2 та), З. Тожиев, И. Иномов, «Олмалиқ»дан — Д. Абдураҳмонов, О. Зотеевлар киритишди.

Наманганда азалий рақиблар «Навбаҳор» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги шиддатли, қизиқарли кечган баҳсни кузатган минглаб мухлислар атиги биттагина голнинг гувоҳига айланишди. 32-дақиқада Махарадзе томонидан дарвозага киритилган гол ўйин охирига қадар ягоналигича қолди. Сафарда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган пахтакорчилар ҳам уч очкога эга бўлишди.

Жорий йилда ҳам чемпион бўлишни ўз олдига мақсад қилиб олган «Бунёдкор» ушбу турда ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси билан куч синашди. Кескин ва қизиқарли курашлар остида кечган баҳс 2:1 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. Шу куни учрашувни бевосита стадиондан кузатган мухлислар А. Ғофуров, В. Карпенко, А. Бердиевлар томонидан дарвозага йўлланган чиройли голларга гувоҳ бўлишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Машъал» — 1:1, «Бухоро» — «Динамо» — 2:0, «Шўртан» — «Андижон» — 6:1, «Металлург» — «Насаф» — 1:0.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Тама одамни сарғайтиради,**
**Ҳасад қорайтиради.**

* * *

**Ким савоб қилиб чарчамайди, ким гуноҳ.**

* * *

**Шукроналик ҳам улуғ неъмат.**

* * *

**Қаноатсиз ўзини ўзи адо қилади.**

* * *

**Одамлар қувончингга шерик бўлишни хуш кўришади, ғамингга эмас.**

* * *

**Яхши яхшилик қилмай туролмаганидек, ёмон ҳам ёмонлик қилмай туролмайди-да.**

* * *

**Яхши яшнатади,**
**Ёмон қақшатади.**

* * *

**Ҳар кимнинг ўз даври бўлади. Фақат сабр-тоқат билан ўша кунни кутиш ва саъй-ҳаракатдан бир лаҳза ҳам тўхтамаслик керак.**

* * *

**Покиза инсоннинг қарғишига ҳожат йўқ – унинг кўнглига озор етказишнинг ўзи ҳар турли балоларга гирифтор бўлиш учун кифоя қилади.**

* * *

**Бир оғиз совуқ сўз баъзида бир умрлик жудоликка сабаб бўлади.**

* * *

**Кўпчилик ўзининг кимлигини билмайди – бутун фожиа шунда.**

* * *

**Эҳтиёж бўлса, таклиф тушади.**

* * *

**Дунёдан фақат манфаат излаб яшайдиганлар бор.**

* * *

**Кимга ақли тушов, кимга кўнгли.**

* * *

**Худонинг ўзи асрайди деб, ўзини ҳар балога уриш калтабинликдан бошқа нарса эмас.**

* * *

**Ҳадеб бировлардан гина қилиш ҳам кишининг ожизлигини билдиради.**

* * *

**Кишини чорасизлик адо қилади.**

* * *

**Моддий ютқизиқлар ўрнини маънавий топилдиқлар билан тўлдириш керак.**

* * *

**Бировга қанча яқинлашсанг, унинг қусурлари шунча аён бўлиб, кўнглинг совийди. Шунинг учун орада муайян масофа бўлгани маъқул.**

* * *

**Берганида шукр қил,**
**Олганида сабр қил.**

* * *

**Майдага ёпишган катта қўлдан чиқаради.**

* * *

**Ким дардини айтади, ким шартини.**

* * *

**Майда ташвишлар катта ишларнинг йўлини тўсади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **28 август** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5